

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЗИЛОВ АНВАР ХОЛМУХАМЕДОВИЧНИНГ

**МАВЗУ: “оралиқ экинларнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва
хосилдорлигига таъсири”**

Мутахасислик: 5А410202 – “Ўсимликшунослик” (пахтачилик)

Илмий раҳбар:

“Ўсимликшунослик” кафедраси

доценти, қ.х.ф.д

Р.Рўзметов

Тошкент-2014 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	7
II БОБ. ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА	21
УСЛУБИ.....	
2.1. Тадқиқот бажариш	21
шароити.....	
2.2. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва	25
объектлари.....	
2.3. Тадқиқот	25
услуби.....	
III БОБ. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ.....	28
3.1. Чигитни униб чиқиши ва кўчат	28
қалинлиги.....	
3.2. Тажриба даласидаги ғўзанинг ўсиши ва	35
ривожланиши.....	
3.3. Ғўзани 50 % шоналаш,	38
гуллаши.....	
3.4. Ғўзани ҳар ҳил кўчат қалинлигида пишиб етилиши ва	

ҳосилдорлиги.....	
.....	
ХУЛОСА ВА	44
ТАКЛИФЛАР.....	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	45

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамма 2014йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида шундай деб сўзлади: “ўтган 2013 йилда мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида улкан ютуқ ва натижалар қўлга киритилди.

Албатта, 2013 йилда ҳам, сўнгги йиллардаги каби, янги мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёғингарчилик кўп бўлгани, баҳорнинг кеч келгани ва намгарчиликнинг юқори бўлгани, ёз фаслида ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд ошиб кетгани қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда жиддий муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирди.

Шунга қарамасдан, 2013 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари - ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди -3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Шунинг учун ҳам республикаимиз миқёсида пахтачилик унинг селекция ва уруғчилиги яхши йўлга қўйиш, янги тезпишар, серҳосил, ҳамда тола сифатини оширишни механизациялашни тўғри йўлга қўйиш бу борада ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар технологиясидан кенг фойдаланишга киришилди.

Қонунчиликка асосланган халқпарвар давлат ва адолатли жамият қуриш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини замон талаби даражасида янги шакллар барпо этилиб, ишлаб чиқариш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи қонунлар яратилмоқда ва ҳаётга жорий этилмоқда. Жумладан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки 1996 йил 29 августдаги «Уруғчилик тўғрисида» 1996 й 30 августда

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонунларни матбуотда эълон қилиниши ва амалга киритилиши жуда муҳим воқеа бўлди.

Пахта ҳосилдорлиги Самарқанд вилоятининг хўжаликларида 13,2 центнер Тойлоқ туманида 8,3 ц, Жиззах вилоятининг Зомин туманида 8,6 центнер, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида эса 18.8 центнер ҳосил олинган.

Ўзбекистон иқлим шароити тупроқ хусусиятлари, ер тузилиши, хўжалик ишлаб чиқариши ва саноат талабларига янада тўлароқ жавоб берадиган серҳосил, тезпишар, касалликка чидамли, тола чиқиши ва тола сифати юқори бўлган навлар етиштириш борасида илмий амалий ишлар қизғин давом этмоқда. Пахта ҳосилдорлигини оширишни асосий омилларидан бири ҳар бир ўсимликни ўзига хос биологик хусусиятларини тўлиқ тўғри ва тўла қўллашдир.

Пахтакор хўжаликларига экиш учун тавсия қилинган туманлаштирилган ғўза навларидан ҳар жиҳатдан устун, яхши навлар етиштириб, уларни ўзига хос хусусиятлари ва етиштириш агротехникасини ўрганиш фикримиз заминидир. Пахтачиликни муттасил ривожлантира бориб, навлар хусусияти уларни етиштириш усуллариини ўрганиб, янада такомиллаштиришни илмий жиҳатдан асосланган кўплаб тавсиялари ва таклифлари билдирилган.

Биз Тошкент вилоятининг, Бўка туманидаги, «Саркор» фермер хўжалигида (стандарт) С-6524 навини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ва оралик экинларини таъсирини ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз. Шу асосида олимларни берадиган тавсия ва таклифларини пахта етиштириш агротехникасини ўрганиш борасида илмий ишларни янада чуқурлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳозирги кунда Республикамизда пахтанинг 19 тадан ортиқ ўрта толали навлари районлаштирилган. Бу навлар бир-биридан ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, шўрга чидамлилиги ва вилт билан зарарланиши бўйича фарқ қилади. Бу навларнинг ҳосилдорлигини оширишда, тезпишарлигини оширишда, тезпишарлиги ҳамда тола сифатини яхшилашда сув ва озик элементларини ўз вақтида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши даврига қараб ишлатиш, тавсия этилади. Бу борада ўтган йилларда олиб борилган илмий тадқиқотларда ғўза навлари бўйича сув-озика тартиби ва кўчат қалинлиги ўрганилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

Ҳар бир навнинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари аввало илмий жиҳатдан асосланган юқори сифатли замонавий агротехникага риоя қилишга, ҳамда уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли тадбирлар қўллашга боғлиқдир. Янги яратилган ва районлаштирилган ғўза навлари учун мақбул бўлган нормадаги суғориш ва озуқа ҳамда кўчат қалинлигини аниқлаш умумий агротехникада муҳим ўрин тутди. Чунки ғўзанинг у ёки бу нави ташқи муҳитга бўлган талабига кўра бир-биридан фарқ қилади. Пахтачилик мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан Ўзбекистонда эса асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли ҳам ҳукуратимиз пахтачиликни интенсив технология, фан ва тахника ютуқлари асосида юксалтиришга қайта аҳамият берилмоқда.

Ер сув бебаҳо бойлигимиз бўлганлиги сабабли уларни асраб, тежаб тергаб фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлганлиги сабабли,

экин майдонини оширмай туриб тупроқ, иқлим, сифатли нав учун мақбул кўчат қалинлигини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов (2009) “Жаҳон молиявий, иқтисодий инқирози, Ўзбекистонда уни бартараф этиш чоралари” асарида бугунги кунда халқ хўжалигининг барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ресурс ва энергия тежовчи технологиялар лозимлиги кўрсатилади. Бу мақсадларга эришиш учун пахтачиликда энг янги, замонавий технологияларни кенг тадбиқ этишимиз мақсадга мувофиқ. Бундай усуллардан бири пахтачиликда ўсимликни илдиздан ташқари, яъни барг орқали озиқлантириш усулини кенг тадбиқ этиш ҳисобланади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш учун оралиқ экинлар экиб унумдорликни ошириш ҳозирги кундаги энг долзарб ишларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Дехқончиликда алмашлаб экишни жорий этиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш деҳқончилик илмининг асосий негизи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиб қишлоқ хўжалик экинларидан сифатли ва юқори ҳосил олиш ҳозирги кунда соҳа мутахассислари ва олимларига сир эмас.

Алмашлаб экиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга оид республикамиздаги ва хориждаги илмий тадқиқот институтларида жуда кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва мунтазам олиб борилмоқда. Маълумки, узоқ йиллар давомида республика деҳқончилигида ғўза-беда алмашлаб экиш тизими кенг жорий этилди.

Ўша йилларда тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири беда ўсимлиги орқали амалга оширилган. Агар тупроқда тўпланиши керак бўлган органик қолдиқларни миқдори, микробиологик жараёнларни ўтиши ва тупроқни биологик, сув-физик, агрохимёвий хусусиятлари танланадиган бўлса, дарҳақиқат бу ўринда беданинг роли бекиёсдир.

Маълумки, республикамизда йиллик ҳароратнинг юқорилиги, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда жадаллаштирилган тупроққа ишлов бериш усуллариининг қўлланилиши ҳамда экинларни суғориш оқибатида тупроқда тўпланган табиий чиринди захираси жадал суръатларда камаяди, натижада тупроқ ўзини биологик хоссаларини йўқота боради, тупроқда бактериалогик

касалликларни кўзғатувчилари кўпаяди, экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетади.

Шунинг учун ҳам тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олиш учун қишлоқ хўжалик экинларини самарали алмашлаб экишда биргина беда ўсимлигидан фойдаланиш ижобий натижани бермайди. Алмашлаб экиш тизимларига оралик, такрорий дон, дон-дуккакли ва дон-бошоқли экинларни киритиш тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга хизмат қилади. Бу борада кўп йиллик дуккакли ўсимликларни (беда) тупроқ унумдорлигига таъсири ҳақидаги маълумотлар Билан бир қатор оралик, дон, дон-дуккакли ва дон-бошоқли экинлар, уларни тупроқ унумдорлигига таъсири тўғрисида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистоннинг тупроқ ва иқлим шароитларида суғориладиган ерлардан йил бўйи фойдаланиш мақсадида оралик экинларни ғўза алмашлаб экишда қўллашда фикрини биринчи бўлиб 1942 йилда В.С.Мальчигин олдинга сурди. Шундан сўнг ушбу тадқиқотлар сони кўпайиб бориб, Т.Нагиев [27], Е.Ядгоров, Р.Орипов [37], М.А.Сорокин [18], Е.П.Горелов [20], А.К.Оржиев [20], В.Г.Березовский, М.А.Сорокин [17], В.С.Ханкишев [68], В.Г.Березовский, Н.Сафиев [18], Я.Д.Нагибин, У.Рахматуллаев [29], Х.С.Романов [30], М.Таджиев, Ж.Бойқобилов [62], В.Г.Березовский [8], Р.О.Орипов [27], З.С.Турсунхўжаев, А.С.Болкунов [33], З.С.Турсунхўжаев, О.Бекмурзаев [34], Қ.М.Мирзажонов, К.М.Юсупжонов [24], Е.П.Горелов, И.Расулов [16], И.В.Массино [80], А.Кашкаров, Н.Махмудов [22], К.Комилов, К.Сараник [31], Х.Юсупов [88], М.Таджиев [12], Р.О.Орипов [27, 28], Б.Исаев [19], А.М.Нуриддинов [72], М.Тожиев, А.Қурбонов [63], М.Тожиев, А.Т.Кадиров [73] ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ушбу муаллифларнинг таъкидлашларича, оралик ва бир йиллик дон, дон-дуккакли ўсимликларнинг илдиз ва анғиз тизими қолдиқлари қанча кўп қолса, тупроқ унумдорлигига шунча самарали таъсир кўрсатади, натижада пахтадан юқори ҳосил олишга эришилади.

Ф.В.Турчин [66] нинг маълумотларига қараганда, йил давомида алмашлаб экиладиган ўсимликлар тупроқдаги фойдали микрофлорани таъминлайди.

Микроорганизмларнинг ферментация хусусиятларига боғлиқ ҳолда, ўсимликлар ўзлаштириши қийин бўлган озиқа элементларидан ҳам фойдаланилади.

Р.О.Орипов [57] нинг таъкидлашича, тупроқ унумдорлигини оширишда асосий феноген сифатида тупроқда йил давомида бўладиган микробиологик жараёнлар ҳисобланади.

Худи шу мазмундаги фикрни С.А.Воробьев [4] ҳам тасдиқлаб, гарчи тупроқда ўсимлик қолдиқлари жуда оз миқдорда қолса ҳам, асосан улар ўсимликни зарур бўлган озиқа элементлари билан таъминлайди ҳамда аҳамиятли томони шундаки, уларда микробиологик парчаланиш тез содир бўлади, аксарият ҳолларда чиринди ҳосил қилиш бўйича органик ўғитлардан ҳам устун туради. Фақат бунинг учун тупроқда етарлича биомасса тўпланиши керак.

Кўп сонли тадқиқотларни кўрсатишича, маккажўхори, судан ўти, сорго, амарант ва бошқалар тупроқда кўпроқ биомасса тўплаш имконияти эга экан. Масалан, Ф.Луксенко [6] нинг маълумотларига қараганда маккажўхорини баҳорда экилиши 600-631 ц/га, ёзда экишда 500-631 ц/га, йил бўйи эса 1100-1200 ц/га силос массаси ҳосили олишга эришган.

Л.А.Спижевская, М.Тожиев [84] ларнинг таъкидлашича, дон-дуққакли экинлар тупроқни бедага нисбатан кам миқдорда зичлайди. Уларни майда илдиз тизимлари ўсимликни ўсиш давридаёқ маълум миқдорда чиринди ва тупроқдаги органик моддани бир мунча кўпайтиради, тупроқнинг сув-физик ҳолатини яхшилади.

З.М.Зауров ва Мадраимов [48] ларнинг аниқлашича, жавдар ҳайдалгандан сўнг йилдан-йилга тупроқни ҳажм массаси камайиб боради.

Х.Байқобўлов [16] нинг фикрича ҳам оралиқ экинларни экиш натижасида тупроқ зичлигини камайиши кузатилади ва тупроқни сув ўтказувчанлиги сезиларли даражада ҳар йили ғўза экиладиган ерга нисбатан ортади.

Бонн шаҳридаги Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходими В. Volger [90] нинг фикрича, оралиқ экинлар ўстирилгандан сўнг тупроқнинг

хайдалма қатламида ўсимлик қолдиқларининг майдаланиши натижасида гектарига 30-60 кг азот тўпланади ва кейинги экиладиган асосий экинни озикланиши яхшиланади. Бундан ташқари оралиқ экинлар ҳайвонлар учун муҳим озика базасини яратади ва тупроқ озика таркибини яхшилайти. Шунингдек, озика унсурларини кузги ва қишки ёғин-сочинлар таъсирида тупроқни пастки қатламларининг ювилиш жараёнини олдини олади.

Шунга ўхшаш фикрларни австралиялик олим В.Виндер [91] ҳам тасдиқлаб, оралиқ ёки такрорий экинлар қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш учун муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди. Улар нафақат қўшимча ва арзон озикабоп ўсимликлар-дейди, у –балки, улар тупроқ структурасини яхшилайти, унумдорлигини оширади ҳамда алмашлаб экишда донли ва дон-дуккакли маҳсулотларни қўпайишига олиб келади.

Тупроқ структурасини яхшиловчи ва оширувчи дон-дуккакли экинлардан бири бу соя ҳисобланади. Кўпгина адабиётларда соя тупроқни агрокимёвий хусусиятларини юқори даражада яхшиловчи дон-дуккакли экин деб таъриф берилади. Юқоридагиларни асослаб унинг самараси тўғрисида кўпгина олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, Ю.Г.Корягин [5], Г.Т.Лавриненко, К.Эшмирзаев [6], М.М.Салтас [1], К.М.Мирзажонов, М.Насриддинов [8], Е.П.Горелов [46], Х.Ш.Неъматов [81], А.Панжиев [82], Р.Ш.Телляев, А.С.Болкунов, А.Лигай [64], Х.С.Романов, К.М.Мирзажонов, Р.Т.Талибулин [9] ва бошқа олимлардир.

Ю.Г.Корягин [5] нинг Қозоғистон шароитида ўтказган тажрибасида соя илдизларидаги туганак бактериялар бир гектар майдонда 300 кг/га гача биологик азот тўплаганини кузатган.

В.И.Заверюхин [48] нинг таъкидлашича, сояни илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, у тупроқнинг физик хоссаларини яхшилайти ва чуқур қатламлардаги озика элементларини юқорига чиқишга ёрдам бериб, тупроқдаги азот миқдорини оширади.

Х.С.Романов [30] нинг фикрича, соя кўпгина алмашлаб экиш тизимларида ўзидан кейин экилувчи ўсимликка яхши ўтмишдош бўлиб, тупроқни азот билан гектарига 130-150 кг/га гача бойитади, илдиз қолдиқлари эса 35-40 ц/гани ташкил этиб, тупроқда чиринди миқдорини ортишига сабаб бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб ёки навбатлаб экишда оралиқ, дон, дон-дуккакли экинлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда бевосита хизмат қилиб, асосий, К.Эшмирзаев, Х.Юсуповлар [88] таъкидлаганидек, суғориладиган ерларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда асосий шароитлардан бири ерни узок вақт давомида узлуксиз ўсимликлар билан қопланиб турилиши бўлиб, бунда тупроқда органик қолдиқлар кўп тўпланади, унинг юзаси қизийди, бефойда йўқолаётган намлик камаяди, тупроқ кам шўрланади ва қуриб қолмайди. Бундай шароитга эса албатта алмашлаб экишда асосий экин, такрорий ва оралиқ экинлар тўғри навбатлаштирилгандагина эришиш мумкин.

Юқорида оралиқ, дон ва дон-дуккакли экинларни тупроқ хоссалари учун қай даражада муҳим эканлиги тўғрисида умумий маълумотлар бериб ўтдик. Аммо, ҳар бир ўсимликни тупроққа бўлган у ёки бу даражадаги муносабати уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқдир. Ўсимликларнинг анна шундай биологик хусусиятларидан бири тупроқда органик қолдиқ (анғиз ва илдиз) қолдиришидир, зеро, тупроқда органик қолдиқларнинг пайдо бўлиши тупроқдаги чиринди захирасини бойишига сабаб бўлади.

М.А.Ходанович [70] нинг маълумотларига қараганда қора тупроқнинг ҳайдалма қатламида маккажўхори 49,4 ц/га, И.Сидоров [11] нинг маълумоти бўйича эса 40,9 ц/га илдиз қолдиқлари қолдиради.

В.Г.Березовский ва Ф.И.Исмоиловлар [41] нинг таъкидлашича, типик бўз тупроқлар шароитида беда 40,3 ц/га миқдорида илдиз қолдиқларини қолдиради, шундан 28,0 ц/га йирик, 12,3 ц/га майда илдиз қолдиқларидан иборатдир. Беда сули билан қўшиб экилганда эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 48,6, 35,2,

13.4 ц/гани ташкил этган.

Шунга ўхшаш фикрларни Ф.И.Исмоилов [50] ҳам билдириб, беда маккажўхори билан қўшиб экилганда биринчи йили тупроқни 0-40 смли қатламида 88,0 ц/га, иккинчи йили 117,0 ц/га, учинчи йили 132,3 ц/га илдиз қолдиқлари қолдирганини аниқлаган.

Маккажўхори мавзусига қайтадиган бўлсак, типик бўз тупроқлар шароитида Л.А.Спижевская [84] ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, маккажўхори тупроқни 0-40 см қатламида 62,4 ц/га илдиз ва анғиз қолдиқларини тўплаган. Қарши чўли шароитида эса ушбу кўрсаткичлар 99,4-118,0 ц/гани ташкил этган.

Шунингдек, дон-бошоқли экинларни тупроқда қолдирадиган илдиз ва анғиз қолдиқларини ўрганиш бўйича ҳам илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Е.И.Алиев [15] нинг маълумотларига қараганда кузги буғдой тупроқни 0-20 см қатламида 40,0 ц/га, Н.Гутин [31] маълумотлари бўйича эса 47,9 ц/га, нўхат 22,4 ц/га, М.Таджиев, Х.Байкобўлов [16] лар олган маълумотларга қараганда маккажўхорини бир йила икки марта экилиши натижасида 55,4 ц/га дан 58,0 ц/га гача органик масса қолдирганлиги аниқланди.

Х.Байкобўлов [16] нинг маълумоти бўйича эса кузги жавдар 50,9 ц/га миқдорда илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдирар экан.

Б.Кенжаев [39] нинг фикрича, тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдириш бўйича нафақат кўп йиллик ўсимликлар, балки бир йиллик ўсимликлар ҳам кўп миқдорда илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдиради.

А.Халиков [67] нинг таъкидлашича, бир йилда 2-3 та ҳосил олиниши суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини 2-2,5 марта оширади, шунинг билан бирга тупроқда тупроқ унумдорлигини ва кейинги экиладиган экинлар ҳосилдорлигини оширадиган жуда кўп миқдорда илдиз ва анғиз қолдиқлари қолдиради.

В.С.Ханкишев, Т.Н.Номозов [68] лар олган маълумотларга кўра, тупроқни органик қолдиқлар билан энг кўп миқдорда маккажўхори (70-84 ц/га), ундан кейин дон-бошоқли экинлар- (39-41 ц/га) бойитади. ЎзПИТИ нинг Самарқанд

филиалида маккажўхоридан кейинги оралиқ экин сифатида кузги жавдарни кетма-кет икки йил экилиши натижасида умумий 235,4 ц/га, яъни 120 тонна гўнгга тенг миқдорда органик қолдиқ тўпланган.

Маълумки, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни қандай даражада бўлиши, микробиологик жараёнларни жадал суръатларда ўтиши, тупроқда чиринди массаси ҳосил қилиш қобилияти албатта микроорганизмларнинг сонига боғлиқдир. Микроорганизмларнинг сонини тупроқда қанча миқдорда бўлиши тупроқнинг тури ва унинг агрофизик хусусиятларига боғлиқ. Ана шундай агрофизик хусусиятлардан бири тупроқнинг ҳажм массасидир.

Бу борада ҳам олимлар кўплаб илмий тадқиқот ишларини олиб боришиб, экинлар турини ва уларни қандай шароитда парвариш қилиш, алмашлаб экишдаги таъсири бўйича асосли маълумотлар олишган.

А.Ф.Устинович [14] нинг таъкидлашича, тупроқ ҳажм массаси 1,1-1,2 г/см³ бўлганда ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши яхши бўлади.

Д.Н.Прянишников [59] эса ўсимлик органик қолдиқларини тупроқ ҳажм массасига бўлган ижобий таъсирини ўрганган.

М.А.Белоусов ва Ф.И.Исмаилов [50] ларнинг таъкидлашича, озуқа экинлари ҳайдаб юборилгандан сўнг тупроқ ҳажм массаси 1,43 г/см³дан 1,31 г/см³ гача камайган.

Америкалик олимлар Н.М.Taylor, Н.Р.Gardner [92] ларнинг фикрича, тупроқ ҳажм массаси жуда юқори бўлиши тупроқдаги аэрация жараёнига салбий таъсир этади, натижада ўсимлик илдизи эркин ривожлана олмайди ва ўсимлик ўсишдан тўхтади.

Л.А.Спижевская [84] нинг таъкидлашича, барча турдаги экинлар амал даври давомида тупроқ ҳажм массасини кўпайтиради. Улар тупроққа ҳайдаб юборилгандан кейин эса тупроқ ҳажм массаси камаяди. Беда амал даври давомида тупроқнинг ҳажм массаси 1,38 г/см³ ни ташкил этган бўлса, ҳайдалгандан сўнг 1,27 г/см³ ни, бедани судан ўти билан қўшиб экилганда тегишли равишда 1,37

г/см³ дан 1,24 г/см³ га, бедани райграс билан қўшиб экилганда эса 1,28 г/см³ дан 1,23 г/см³ га, викани сули билан қўшиб экиб, ундан кейин жўхори экилганда эса 1,27 г/см³ дан 1,27 г/см³ дан 1,21 г/см³ га қадар камаяди.

М.Т.Таджиев, Х.Байқобўлов [62] ларнинг маълумотларига қараганда ғўзани бир йиллик экинлардан кейин етиштирганда ғўза даласидаги тупроқ ҳажм массаси 1,26 г/см³ни, 2-йиллик бедадан кейин 1,24-1,25 г/см³, 3-йиллик бедадан кейин 1,22-1,27 г/см³ ни ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткич муттасил ғўза экиб келинаётган далада 1,29 г/см³ни ташкил этган.

М.Муҳаммаджонов, М.У.Умаров [15] ларнинг фикрича, ғўза ўсимлигини мақбул ўсиши ва ривожланиши учун тупроқни мақбул зичлиги 1,1-1,3 г/см³ атрофида бўлиши керак. Бу ҳолда тупроқда мақбул ҳаво алмашиши, биологик активлик юзага келади ва озиқа элементларини юқори даражада сўриши таъминланади, ўсимлик қийин ўзлаштирадиган озиқа унсурларини ўзлаштиришни осонлантиради. Асосий, органик моддаларни майдалашуви натижасида ўсимлик озиқланишида зарур бўлган моддалар ажралиб чиқади.

Бир йиллик ўтларни етиштириш тупроқ ҳажм массасини 0,10-0,13 г/см³га камайтириб, тупроқнинг сув ўзтказувчанлигини 1,6 мартага оширади.

Англияда эса имкон бориша тупроқда кўпроқ органик қолдиқ қолдирадиган, тупроқни агрофизикасини яхшилайдиган экинларни экишга эътибор берилади.

Юқорида келтирилганидек, тупроқда қулай муҳитни юзага келтириш учун экиладиган экинлар тури, уларни ўзаро алмашлаб экиш тизими ва парвариш қилиш агротехнологиясини қандай даражада олиб борилишига боғлиқ. Худди шу жараёнлар тупроқни нафақат агрофизик хоссаларига балки тупроқни агрохимёвий хоссаларига ҳам жиддий таъсир этади.

Тупроқ унумдорлигини оширишнинг ягона муаммоларидан бири бу чиринди ҳосил қилиш муаммоси ҳисобланади. Чиринди биосферанинг энг муҳим элементи ҳисобланиб, тупроқдаги биомасса миқдорини синтез қилишга ва кўпайтиришга хизмат қилади. Тупроқда чиринди миқдорини кўпайиши албатта тупроқда

қолаётган органик қолдиқлар миқдorigа боғлиқ бўлади.

Тупроқ унумдорлигини оширишда оралик, такрорий, озуқа экинларини ахамияти тўғрисида кўпгина олимлар [16,85,84, 23,24,26,25,22,48,66,61,70,76] илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Т.С.Мальцев [7] нинг таъкидлашича, қарийб барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари, улар хоҳ бир йиллик бўлсин ёки кўп йиллик, ўзларининг амал даври давомида тупроқдан ўзлаштириб олган озика элементларидан кўп миқдорда органик қолдиқ қолдиради.

Ротамстед тажриба станциясида бошоқлилар ва дуккаклилар бўйича ўтказилаётган кўп йиллик тажриба маълумотларига қараганда, ушбу экинлар етиштирилаётган бўлақларда тупроқдаги чиринди ва азот миқдори камаймайди.

Л.А.Спижевская [84] нинг фикрича, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бир йиллик озуқа экинларининг экилиши тупроқдаги чиринди ва азот миқдорини оширади. Бунда бедапоя ҳайдалгандан сўнг чиринди миқдори 0, 78 % ни, маккажўхоридан сўнг 0,72 %, ғўзадан сўнг эса 0,67 % ни, умумий азот миқдори эса таъллуқли равишда 0,107 %, 0,098 %, 0,094 % ни ташкил этди.

П.К.Иванов, А.Б.Худяк [70] ларнинг аниқлашларича, дон-бошоқли экинларни анғиз ва илдиз қолдиқлари орқали тупроқда 40-60 кг/га азот, 35 кг/га фосфор, маккажўхори эса таъллуқли равишда 65-80 кг/га азот, 20-25 кг/га фосфор қолдиради.

Р.О.Орипов [27] маълумотларига кўра, оралик экинлар тупроқдаги фосфатларни эрувчанлик қобилятини оширади. Рапс, арпа ва бошқа оралик экинлар экилганда тупроқнинг ҳайдов қатламида фосфорнинг миқдори 11,8-16,6 мг/кгни ташкил этган.

В.Г.Березовский, М.А.Сорокин [17], шунингдек, бир қатор муаллифлар [23,18,30,16,20,64,77,12] таъкидлашича, ғўза алмашлаб экишда қўлланиладиган бир йиллик озуқа ўсимликлари тупроқ унумдорлигини ҳамда экинлар

ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

П.Н.Беседин, Т.Т.Булатов [42] ларнинг таъкидлашларича, типик бўз тупроқлар шароитида узоқ йиллар мобайнида ғўза етиштирилиши натижасида тупроқдаги органик углерод ва азот миқдорини кескин камайиб кетишига сабаб бўлади.

В.Г.Березовский, И.Сафиев [18] ларнинг фикрича, алмашлаб экишда бир йиллик озуқа ўсимликларни қўлланилиши, тупроқ унумдорлигини ошириб, пахта ҳосилдорлигини муттасил ўғит билан пахта етиштириб келинаётган вариантга нисбатан 4-5 ц/га миқдорида қўшимча пахта ҳосили олиш мумкин.

Р.О.Орипов [27] нинг таъкидлашича, 41.7 ц/га миқдоридаги оралиқ экинлар кўк массасини тупроққа ҳайдаб юборилиши натижасида тупроқнинг 0-12 смли қатламида чиринди миқдорини 0,05 % га, 12-25 см қатламида эса 0,07 % га оширади.

З.С.Турсунхўжаев [33] нинг фикрича, оч тусли бўз тупроқлар шароитида дуккакли ўт ўсимликларни экилиши пахтани эрта етилиши ҳамда ҳосилдорликни юқори бўлишига сабаб бўлади.

Ф.Юсупов [88] нинг фикрига қараганда, озуқа экинлар тупроққа ҳайдаб юборилгандан сўнг, тупроқда нитрификация жараёни ортади ва ғўзани айни ҳосил тўплаш даврида нитратли азот миқдори 15,6-26,4 мг/кгни ташкил этади.

И.Ф.Темиргалиев [86] нинг маълумотларига қараганда судан ўтини соя, вигна билан ҳамда нўхат ва райграс билан қўшиб экилиши ва уларни тупроққа ҳайдаб юборилиши натижасида 56,4 дан 116 кг гача азот, 26,6 дан 36,3 кг гача фосфор элементини қолдиради.

О.Жданов [77] нинг фикрича, бедани экилиши тупроқдаги чиринди миқдорини 1,67 % дан 1,73 % гача, бедани шабдар билан қўшиб экилиши 1,67 % дан 1,79 % гача ортади. Бедани ўзи экилган бўлакда ундан кейин экилган ғўза экишдан олдин чиринди миқдори 1,90 %, ғўзани амал даври охирида 1,83 %, бедани шабдар билан қўшиб экилган бўлакда ундан кейин экилган ғўзани экишдан

олдин чиринди миқдори 1,93 % ни, ғўза амал даври охирида 1,89 % ни ташкил этган.

М.Тожиев [73], ўсимликларни турли агрофонда етиштириш тупроқдаги чиринди миқдорига турлича таъсир этишини аниқлади. Ёўзани муттасил, ўғитсиз экилиши натижасида чириндини дастлабки миқдори ҳайдов қатламида (0-30 см) 1,34 % ни, 1971 йилда-1,30 % ни, 1974 йилда- 1,06 % ни, 1989 йилда – 0,93 % ни ташкил этгани ҳолда, ёўзани муттасил ўғит билан экиш натижасида эса чиринди миқдори 1,40 % дан- 1,10 % гача камайганлиги кузатилди.

А.М.Қўчқоровнинг [75] нинг фикрича, бир йиллик ўсимликларнинг анғиз ва илдиз қолдиқларини тупроққа ҳайдаб юборилиши натижасида чиринди миқдорини 0,2 % дан 0,8 % гача ошишини таъминлайди.

А.С.Қўчқоров [75] нинг маълумотларига қараганда, типик бўз тупроқлар шароитида етиштирилган соя тупроқда 171,6 кг/га дан 228,5 кг/га биологик азот тўплаган.

А.Қашқаров ва Т.Пирохунов [59] лар изланишларида, баҳорда кўк ўғит сифатида ҳайдаб юборилган жавдар тупроқда чиринди миқдорини кўпайтиришга ёрдам беради. Тупроқда чириндини дастлабки миқдори ҳайдов қатламида 1,05 % бўлган бўлса, тажриба охирида ушбу кўрсаткич 1,19 % га ортганлиги кузатилди.

У.А.Алимов [15] нинг маълумотлари бўйича ҳам маккажўхори ва оқжўхори ёўза учун яхши издош экинлар эканлиги аниқланган. Маълумотларга қараганда ушбу экинлардан сўнг тупроқда 71,2-74,6 ц/га илдиз ва анғиз қолдиқлари қолади.

М.Қурбонов, М.Насриддинов [23] ларнинг фикрига кўра, экинларни тез-тез навбатлаб экиб туриш, масалан, тарикни жўхори билан қўшиб экилиши келгуси йилда пахтадан 1,7 ц/га қўшимча ҳосил олишни таъминлайди.

О.Рахматов ва Ж.Шаҳимардонов [44] ларнинг Қарши чўлининг тақир тупроқлари шароитида ўтказган тажрибаларига кўра, бир йиллик озуқа экинларини экилиши тупроқ ҳажм оғирлигини камайтириб, намликни оширган, сув ўтказувчанлик яхшиланган, натижада келгуси йилда пахтадан 4,8 ц/га

қўшимча ҳосил олинган.

З.С.Турсунхўжаев ва А.С.Болкунов [33] лар бир йилда бир майдондан икки марта дон ҳосили ёки уч марта ем-хашак олиш мақсадида қуйидаги оралик экинларни экишни тасия этади: жавдар, сули, арпа, кузги вика, кузги нўхат, шабдар, берсим, рапс, перко, тритикале, айрим ҳолларда эса ушбу экинларни ўзаро қўшиб экиш тавсия этилган. Масалан, уларнинг мақолаларида жавдар ёки жавдаркрапс аралашмасидан кейин экилган пахта ҳосилдорлиги энг юқори 43-44 ц/гани ташкил этади.

У.Х.Мухамедов [53] нинг таъкидлашича, типик бўз тупроқлар шароитида маккажўхоридан кейин ғўзани кетма-кет уч йил экилиши сурункасига ғўза экилганга нисбатан пахтадан 2,2-5,3 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Е.П.Горелов, Д.Ярматова [44] ларнинг маълумотларига кўра, Самарқанд вилояти шароитида ғўзани соядан кейин экилиши, сурункасига ғўза экилганга нисбатан, пахта ҳосили гектарига 2,2-2,8 центнерга ортган.

Худди шундай натижалар ЎзПИТИнинг Фарғона, Бухоро ва Самарқанд филиаллари далаларида 1982-1984 йилларда ўтказилган тажрибаларда ҳам кузатилиб, 3-4 ц/га миқдоридаги қўшимча пахта ҳосили ғўзани соядан кейин экилганда олинган.

Оралик экинларни экилиши, ғўза-беда алмашлаб экишда маккажўхорини ханталдан кейин экилиши тупроқда гумусни ошишига, ундаги микробиологик жараёнларни жадал суръатлар билан ўтишига, тупроқни биологик активлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Х.С.Романов [30] нинг таъкидлашича, экинларнинг тупроқни агрокимёвий хусусиятларига таъсир доираси уларнинг турларига ва алмашлаб экиш тартибига боғлиқ. Икки йилда ўртача энг кўп пахта ҳосили жавдар ва маккажўхорини кўк озук, жавдарни кўк ўғит сифатида экилгандан сўнг экилган ғўзада кузатилган.

Н.Беспалов, А.Журавилин [77] нинг фикрича, ғўза учун энг яхши ўтмишдош экинлар судан ўти, кунгабоқар, жўхори, кузги арпа, тарик, кузги жавдар

ҳисобланади. Ушбу экинлардан сўнг ғўзанинг экилиши пахтадан 6,1 ц/га қўшимча ҳосил олишни таъминлайди.

И.П.Гейдербрехт ва В.Д.Вернерлар [4] нинг маълумотларига қараганда, жавдарни баҳорги рапс билан қўшиб экилиши жавдарни тоза шудгорга ўзини экишдан кўра самаралироқ экан.

Т.Данилова [47], Р.Телляев, Х.Романов [30] ларнинг маълумотларига кўра, ғўзани монокультура ва алмашлаб экиш даласида ўстириш тупроқ унумдорлигини ўзгаришига олиб келади, бу эса ўз навбатида ҳосилдорликни вариантлар бўйича кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Жумладан, Оққовоқ тажриба станциясининг кўп йиллик тажриба натижаларига қараганда типик бўз тупроқда ўртача ҳосилдорлик ўғитсиз бўлакда 15 ц/га, ўғит қўлланилганда 32,1 ц/га, ғўнг солинганда эса 30,8 ц/гани ташкил этган.

Г.Дорожко, В.Передериева ва бошқаларнинг [47] маълумотларига қараганда, кузги буғдой ҳосилдорлигига ўтмишдош экинлар кучли таъсир кўрсатади. Узлуксиз бир майдонга буғдой экилганда тупроқда микроорганизмларнинг фаолияти сустлашади. Буғдой ўрнига буғдой экилганда ўртача ҳосилдорлик 13,6 ц/га бўлган бўлса, ўтмишдош экин соя бўлганда дон ҳосилдорлиги 35,8 ц/гани ташкил этган. [www. paxta.uz](http://www.paxta.uz), [www. Top agrar.com](http://www.Top agrar.com), [http: // www.paxta.ur](http://www.paxta.ur), E-mail IPChepurnoy @yandex.ru.

Юқорида келтирилган адабиётларда барча илмий хулосалар тупроқ унумдорлигини сақлашга, оширишга, тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий, микробиологик хоссаларини яхши бўлишига, уларни тупроққа нисбатан ижобий муносабати қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш тизимларини нечоғлик тўғри ташкил этишга боғлиқлигини исботлаб турибди. Агар экинларни алмашлаб ва навбатлаб экиш ташкил этилмаса ёки ташкил этилган тақдирда ҳам агротехник хатоликларга йўл қўйилса, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган барча саъйи-ҳаракатлар бекор кетиши мумкинлиги қайд этилган. Лекин, экинларни алмашлаб экишда кузги буғдой ҳамда унинг анғизига экиладиган такрорий

дуккакли-дон экинларни, оралиқ экинларни тупроқ унумдорлигига таъсир бўйича адабиётлар таҳлили 1990- йиллардан буён жуда кам бўлиб, қишлоқ хўжалик фанида ушбу масалага аниқлик киритилишини тақозо этади. Бу масалани айниқса, фермер хўжаликлари республикада кенг миқёсда ташкил этилаётган даврда янада долзарблиги ортмоқда.

Юқоридаги муаллифларнинг фикрларига асосланган ҳолда ўтказилган тажриба натижалари бўйича тупроқ унумдорлигини оширишда Республикамиз далаларида ғўзадан кейин оралиқ экинлар экиб эрта баҳорда уларни ҳайдаб юбориб тупроқдаги гумус миқдорини ошириш натижасида пахтадан юқори ҳосил олишга эришиш мумкин экан.

II .ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ

2.1. Тадқиқот бажариш шароити

Интенсив деҳқончилик тизмида тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида оралиқ экинларидан фойдаланиш ва уни сақлаш долзарб муаммолардан бири. Бу муаммо жуда долзарбдир, қайсики, суғориладиган тупроқлар унумдорлиги паст ва улардаги гумус миқдори йилдан йилга камайиб бормоқда.

Ҳозирги бозор муносабаталари шароитида минерал ўғитлар тан нархининг ошиб кетиши, уларнинг кўп йиллар давомида қўлланилиши оқибатида

суғориладиган тупроқларда экологик муаммоларнинг вужудга келиши – мамлакатимизда мавжуд бўлган ноананавий ўғитларни қўллаш зарурияти туғилди. Биз юқоридагиларни инобатга олган ҳолда дала тажрибаларни Жиззах вилояти дўстлик туманидаги Илғор АТ фермер хўжалигида олиб борилди.

Пахта майдони 38 га. Географик ўрнига келсак шимолий томондан 41 С⁰, шарқий томондан 38С⁰ кенгликда жойлашган. Океан юзидан 481 м баландликда бўлиб тупроғи типик бўз тупроқ. Механик таркиби оғир, сув ўтказувчанлиги эса яхши.

Об-хаво шароитига келсак тез ўзгарувчан, ёзи иссиқ, қурғоқчилик узоқ давом этади. Қиши эса қисқа бўлиб йиллик ёғиннинг 20-25% ёғади. Баҳорги мавсумда кўпроқ ёмғир ёғади. Йиллик ёғиннинг 40-50%и баҳорга тўғри келади. Бу ёққан ёғмири 200-300 мм. га етади. Бу ёғинлар ўсимликлар ўсиб ривожланиб юқори ҳосил бериш учун етарли шароит яратади.

Бу тупроқларда юқори карбонатли бўлганлиги сабабли фосфор бирикмаларнинг эриши юқори эмас, шунинг ҳисобига фосфорни ўсимликларга сингиши жуда паст, ваҳолангки унинг миқдори анча юқори.

Ўзлаштирилган бўз тупроқда калий 2,8-3 % ва кўпроқ миқдорда бўлади. Алмашинувчан калий ҳамма илдизлар орқали озиқланадиган ўсимликлар учун яхши ўзлаштирилади ва ўсимликлардан юқори ҳосил олишни таъминлайди, шу сабабли типик бўз тупроқлар калийли ўғитларга унчалик мухтож эмас. Лекин кейинги йилларда, азот ва фосфорли ўғитларни бир томонлама кўп қўлланилиши туфайли бўз тупроқларда ўсимликлар учун ўзлаштириладиган калий тупроқларда камайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Тупроқ бу кўп йиллик фазали табиий жисм. Уни қаттиқ, суюқ ва газ жонзодлардан иборта фазалари бор.

Қаттиқ фаза тупроқ асосий бўлиб, она тоғ жинсидан ҳосил бўлиш жараёнида шаклланган ва турли органик минераллардан намоён бўлган жисм.

Тирик фаза тупроқни шаклланиш жараёнида иштирок этган тирик

мавжудодлар бўлиб, уларга жуда кўп сонли микроорганизмлар (бактерия актиномидцид, гриб ва сув ўтлари), тупроқ жонзотлари (бир хил хужайрали содда мавжудодлар курт-кумурсқа ва бошқалар киради) ва ниҳоят ўт- ўлан ўсимлик илдизлари киради. Бу фазалар ўзига хос, аммо бир бутунга мужассамланган ҳолда мавжуд бўлиб ўз вазифаларини бажаради. Тупроқнинг морфологик элементларига унинг генетик қатламларига унинг таркиби янгиланиши ундаги ғоваклар, сув элементларини шакли, характери, чегараси маълум намликдаги тузи, механик таркиби, тузилиши, тиғизлик ва қаттиқлиги, майинлиги, ёпишқоқлиги ва бошқалар киради. Тупроқнинг табиий жисм деб қараш билан, қуйидаги тушунчаларни фарқ қилиш керак. Тупроқ тузилиши ҳар бир тупроқ типини ўзига хос генетика қатламлар, уларнинг вертикал кесимдаги ички ва ташқи ҳолатларнинг ташкил бўлиши.

Тупроқ тиғизлиги яхлит ёки айрим қатламлардаги қаттиқ массани умумий ғовак тешиклар нисбати. Тупроқ донадорлиги тупроқ агрегатини ҳар хил катта кичикдаги ва турли шаклдаги, ҳамда уларнинг ўзаро жойланиш ҳолати. Ҳар қандай тупроқда агрегатлар ҳолати ва зичланиш даражасига қараб маълум бўшлиқ ғовакликлар бўлади.

Бу бўшлиқлар агрегатлар аро ва агрегатлар ичида ҳам бўлади, уларнинг умумий ҳолати ва ўзаро зичланиш даражасига қараб ўзгариб туради. Зичланишга ўзаро таъсир ўтувчи факторларга ерни ишлаш вақтида трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари билан босилиши шўр ювиш, суғоришдаги сувларнинг таъсири, тупроқ заррачаларини йиғилиб қуқунга айланиш жараёнлари киради. Тупроқда органик моддалар қанча кўп бўлса тупроқ шунча донадор бўлиб, умумий ғовакли юқори бўлади ва унинг сув- физик, ҳаво-физик хусусиятлари яхши бўлади. Тирик фаза тупроқни шаклланиш жараёнида иштирок этган трик мавжудотлар бўлиб, уларга жуда кўп сонли микроорганизмлар (бактериялар, актиномицидлар, замбуруғ ва сув ўтлари), тупроқ жонзотлари (бир хужайрали содда мавжудотлар, курт кумурсқа ва чувалчанг киради.

Тупроқдаги йирик (0,001 мм) фракцияларни сингдириш қобилияти деярли йўқ даражада, 0,05 – 0,005 мм катталиқдаги зарарлар (чанг фракциялар тупроқ куруқ холда бўлса чангларнинг тўзишига намлик холда ёпишқоқлигига сабаб бўлади ва агрегатлардан ташқари ноқулай сув-физик хусусиятлар вужудга келади. кум фракцияларда (1-0,05 мм) сингдириш қобилияти бутунлай йўқ, аммо уларни тупроқ таркибида маълум миқдорда бўлиши, ундаги сув ҳаво ўтиш жараёни яхшилайд.

Демак тупроқнинг механик таркибига катта агрономия аҳамиятга молик у билан сув сингдириши ва сув сарфлаш қобилияти боғлиқлигидан сув режимини меъёрлаш, суғориш ва мелиоратив тадбирларни ўтказишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. қумоқ ва лойли тупроқларда ёпишқоқлик ва зичланиш турлича бўлганидан тупроқ ишлаш қуролларига ҳар хил қаршилиқ кўрсатади. Тупроқнинг механик таркиби айниқса унинг иссиқлик режимида муҳим рол ўйнайди. Масалан енгил қум, қумлоқ тупроқлар, оғир соз ва лой тупроқларга нисбатан тез қизийди, аммо соз тупроқлар майда зарраларга бой бўлгандан экинлар учун қулай озуқа режимини таъминлайди. Экинлар ўзларининг биологик хусусиятига қараб маълум механик таркибли тупроқларни талаб этади. Масалан, тош шағалли, тамаки нисбатан енгил механик таркибли, картошка, полиз ва кўпчилик сабзавот экинлари қумоқ ва енгил.

Тажриба даласининг тупроғи типик бўз тупроқ, кадимдан ўзлаштирилган ер усти чуқур жойлаштирилган сифатида шаклланган.

Она тупроқни таҳлили натижасига кўра 0,1-30 см чуқурлик атрофидаги фосфор ва калийнинг миқдори анча юқорилиги билан характерланди. Аммо умумий азотнинг миқдори бўйича тажриба даласининг тупроғини камбағал деб ҳисоблаш мумкин. Нитратли азотнинг миқдори 8,0 мг/кг атрофида, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калийни мувофиқ равишда 25,9 ва 160 мг атрофида яъни тупроқ бу элементлар билан нормадагидан анча паст таъминланган.

Ерлари текис, озроқ қияликка эга бўлиб, асосий сув манбайи Жун канали

бўлиб, унга сув Чирчиқ дарёсидан келиб қуйилади.

Тажриба даласи жойлашган район ҳавоси кескин ўзгарувчан: ёз июн, июл юқори даражадаги иссиқлиги билан фарқланади. қишда - декабр, январ ҳавоси кескин совуб кетади. Илқ кун давомийлиги 200-210 кун. Тажриба олиб борил йилларида ўртача об-ҳаво °С.

Дўстлик метостанция маълумотлари

Йиллар	О й л а р											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
2012	4,9	3,5	9,8	18,4	22,3	25,9	28,4	22,5	21,0	11,7	7,0	4,9
2013	0,3	5,3	11,9	17,2	24,9	28,2	27,2	25,8	19,7	12,8	16,0	4,7
Ўртача кўп йиллик ҳарорат	0,6	1,9	7,9	19,7	21,0	24,9	27,0	27,0	19,6	12,8	6,6	1,9

Ўртача йиллик ҳарорат °С, 13,2

2.2. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объектлари

Изланиш олиб боришдан мақсад: Оралиқ экинларидан кейин

С- 6524 ғўза навини ҳосилдолигини аниқлаш.

Тажриба даласида қуйидаги кузатиш ишлари олиб борилади:

1.Чигитни униб чиқишини аниқлаш

2.Кўчат қалинлигини аниқлаш

А) Яганадан кейин

Б) Терим олдидан

3.Бош поя баландлигини аниқлаш (1 август-1 сентябр)

4.Кўсаклар сонини санаш (1-сентябр)

5.Очилган кўсаклар сонини санаш (1-сентябр)

6.Пахта ҳосилдорлигини теримлар бўйича аниқлаш

7.Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

2.3. Тадқиқот услуби

